



**“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик  
жамиятининг ривожланиш бўйича 2022 йил  
БИЗНЕС-РЕЖАСИ**

***ТОШКЕНТ***  
***2022 йил***



## М У Н Д А Р И Ж А

1.	ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ .....	3
1.1.	2019–2021 ЙИЛЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ВА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР.....	6
2.	БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ .....	8
3.	ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ .....	10
4.	ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ БАЛАНСИНИНГ РЕЖА КЎРСАТКИЧЛАРИ .....	12
4.1.	МАГИСТРАЛ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ ОРҚАЛИ УЗАТИЛАЁТГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ МИҚДОРИ .....	16
5.	МОЛИЯВИЙ РЕЖА КЎРСАТКИЧЛАРИ .....	16
6.	ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ (ЭКСПОРТ-ИМПОРТ) .....	18
7.	ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ РЕЖАСИ .....	20
8.	КРЕДИТ МАЖБУРИЯТЛАРИ .....	25
9.	ИШ ҲАҚИ ҲИСОБИ .....	28
10.	ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА ТЎЛОВЛАР ҲИСОБИ .....	29
11.	ДЕБИТОР ВА КРЕДИТОР ҚАРЗДОРЛИКЛАР .....	30
12.	САРФ ҲАРАЖАТЛАРНИ ҚИСҚАРТИРИШ .....	30
13.	СОФ ФОЙДА ТАҚСИМОТИ .....	32
14.	САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ .....	32
15.	ХОДИМЛАР СИЁСАТИ .....	35
16.	ТИЗИМ ХОДИМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ БЎЙИЧА ЧОРАЛАР .....	35




## 1. ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда “Ўзбекистон МЭТ” АЖ, Жамият) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси электр энергетикасини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПҚ-4249-сон қарорига асосан тугатилган “Ўзэлектртармоқ” УК ва “Ўзбекэнерго” АЖнинг “Энергосотиш” филиали негизида ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикасининг магистрал электр тармоқларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш, электр энергиясини Республиканинг магистрал электр тармоқлари орқали етказиб бериш ва давлатлараро транзитни амалга ошириш, қўшни давлатларнинг электр энергетика тизими билан ҳамкорлик қилиш “Ўзбекистон МЭТ” АЖнинг асосий фаолият турлари ҳисобланади.

Бугунги кунда “Ўзбекистон МЭТ” АЖ таркибида жами **22 та** ташкилот (таркибий бўлинмалар) мавжуд, жумладан **14 та** ҳудудий магистрал электр тармоқлари, энергетика тизими бўйича фаолият юритадиган Миллий диспетчерлик маркази, Марказий реле ҳимояси ва автоматика хизмати, “Ўзэнергоинжиниринг” АЖ, “Энергомахсусавто” МЧЖ, “Gridcon” МЧЖлар, лойиҳалаш, қурилиш ва бошқа хизматлар шулар жумласидандир. Жамиятга қарашли **84 та** нимстанция, **11 400 километр**дан ортиқ **110-500 кВ**ли магистрал ҳаво электр узатиш линиялари ва **161 та** махсус автотранспорт воситалари мавжуд.




### Жамият фаолиятининг мақсадлари:

- республиканинг магистраль электр тармоқларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш;
- электр энергиясини республиканинг магистраль электр тармоқлари орқали етказиб бериш ва давлатлараро транзитни амалга ошириш;
- электр энергиясини экспорт ва импорт қилиш, шунингдек, қўшни давлатларнинг электр энергетика тизими билан ҳамкорлик қилиш;
- электр энергияси ишлаб чиқарувчи, шу жумладан хусусий капитал иштирокидаги корхоналарни, шунингдек, магистраль ва ҳудудий электр тармоқларини ягона оператив-диспетчерлик бошқариш;
- электр энергияси ишлаб чиқарувчи, шу жумладан хусусий капитал иштирокидаги корхоналардан электр энергиясини ягона харид қилувчи функциясини бажариш, шунингдек, электр энергиясини ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига сотиш.



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2022 йил учун бизнес-режаси  
“Ўзбекистон МЭТ” АЖнинг алоқа маълумотлари: 100084, Ўзбекистон Республикаси,  
Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 42-уй, факс (+998 71) 208-56-01, e-mail: [info@uzbekistonmet.uz](mailto:info@uzbekistonmet.uz).

### Жамиятнинг Тошкент харитасидаги жойлашуви ва биносининг ташқи кўриниши



Ижро этувчи аппарат ва янги тахрирдаги ташкилий тузилма “Ўзбекистон МЭТ” АЖ Ягона акциядорининг 2021 йил 14 сентябрдаги 22-сон қарори билан тасдиқланган.

Бошқарув аппарати таркиби **288,5 штат** бирлигидан иборат. Ишчилар сони **4581 нафар**.





## 1.1. 2019–2021 ЙИЛЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ВА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР

Электр энергетика соҳаси, хусусан магистрал электр тармоқларини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш сўнгги йилларда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Соҳада тубдан янги тизим жорий этилди. Натижада 2019-2021 йилларда қуйидаги ижобий ишлар амалга оширилди:

1. Энергетика соҳасида дастлабки трансформация жараёни ўтказилиб, электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш вазифаларини бажарувчи мустақил акциядорлик жамиятлари ташкил этилди;

2. Жамиятда замонавий корпоратив бошқарув тизими жорий этилди. Жумладан, Бошқарув жараёнига маслаҳатчи сифатида чет-эллик мутахассислар жалб этилди. **ISO-9001** “Сифат менежменти тизими” ва **ISO-37001** “Коррупцияга қарши бошқарув тизимлари” стандартлари, шаффоф харидлар тизими жорий қилинди. 2019 йилдан бошлаб молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига (МСФО) мувофиқ консолидациялашган молиявий ҳисоботларини тайёрлаш йўлга қўйилди;

3. Ўзбекистон энергетика соҳасида илк бор Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан давлат кафолатисиз корпоратив кредит ажратиш бўйича келишув имзоланди;

4. “Ўзбекистон МЭТ” АЖ томонидан 2019-2021 йилларда **16 та** лойиҳалар амалга оширилди. Шундан: **45,0 км 500 кВли** ҳаво электр узатиш тармоқлари, **443,8 км 220 кВли** ҳаво электр узатиш тармоқлари ва **60,83 км 110 кВли** ҳаво электр узатиш тармоқларида қурилиш ишлари амалга оширилди. Жами қурилиш ишлари амалга оширилган электр узатиш тармоқлари **549,63 км** ни ташкил этади. Шунингдек **4 222 МВА** қўшимча қувватлар яратилди. Жумладан, янги лойиҳалар доирасида жами **525 МВА** ва модернизация дастури доирасида **3 697 МВА**;

5. Электр тармоқлари эскиришининг олдини олиш ва уларни техник соҳа ҳолатда сақлаш мақсадида 2019-2021 йиллар давомида **110-500 кВли** магистрал тармоқларида жами **25 та** трансформатор ва **3 440,5 км** узунликдаги ҳаво тармоқларида мукамал таъмирлаш ишлари амалга оширилди;

6. Қўшни давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, трансчегаравий олди-сотди ҳажмини ошириш мақсадида Тожикистон Республикаси энерготизими билан боғловчи **500 кВли** Л-507 “Ғузур-Регар” тармоғини тиклаш, Афғонистон энерготизимини Марказий Осий энерготизими билан параллел ишлаш, экспорт ҳажмини қарийб **3,5 млрд.кВт\*соат**га ошириш имконини берувчи янги **500 кВли** “Сурхон-Пули-Хумри” тармоғининг Ўзбекистон қисмини қуриш ишлари амалга оширилди. Бундан ташқари, Туркменистон Республикаси билан алоқа ўрнатилиб, 2019-2021 йиллар давомида қарийб **7,0 млрд.кВт\*соат** электр энергияси импорти амалга оширилди. Қирғизистон Республикаси билан трансчегаравий сувлар ҳамда электр энергияси режимлари тўғрисида келишувга эришилди. Қозоғистон Республикасининг жанубий вилоятларини электр энергияси билан таъминлаш мақсадида электр энергияси транзити хизматлари кўрсатиб келинмоқда;

7. Энерго тизимга давлат хусусий шерикчилиги асосида тўғридан-тўғри чет-эл инвестицияларини жалб қилиш мақсадида **17 та** лойиҳа бўйича жами **7 421 МВт** қувватга узоқ муддатли шартномалар имзоланди. Жумладан, қайта тикланувчи энергия манбалари улуши



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2022 йил учун бизнес-режаси

**2 797 МВт** қувватни ташкил этиб, **9 та** лойиҳадан иборат. 2021 йилда республикада илк бор биринчи саноат миқёсидаги **100 МВт**ли қуёш электр станцияси ишга туширилди;

8. Жамиятда рақамли трансформацияни амалга ошириш доирасида “Диспетчерлик бошқаруви ва маълумотларни йиғиш дастурий-аппарат комплекси (SCADA) ва энергия истеъмоли бошқаруви (EMS) тизимини ҳамда “Ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматлаштириш (ERP) тизимини жорий қилиш” лойиҳаларини амалга ошириш бошланган;

9. Операцион самарадорликни ошириш, ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш йўналишида “McKinsey & Company”, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (IFRS) “Ernst & Young”, Харидлар ва менежмент тизимларини ривожлантириш “GRANT THORNTON”, электр тармоқларини ривожлантириш узоқ муддатли (яъни 10 йиллик) режасини ишлаб чиқиш MRC CONSULTANTS AND TRANSACTION ADVISERS S.L. (Испания), соҳада рақамли трансформацияни амалга ошириш бўйича “ИКС Холдинг” компаниялари билан ҳамкорлик ишлари олиб борилмоқда.

**Давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида амалга оширилаётган лойиҳалар тўғрисида маълумот**

т/р	Давлат хусусий шерикчилиги асосида лойиҳалар номи	Лойиҳа қуввати, МВт	Ишга тушиш муддати
1	Навоий вилоятида ФЭС қуриш лойиҳаси, Masdar Energy (БАА)	100	2021 йил август
2	Тошкент вилоятида ИЭС қуриш лойиҳаси, Aksa Enerji (Туркия)	470	2021 йил декабрь
3	Бухоро вилоятида ИЭС қуриш лойиҳаси, Aksa Enerji (Туркия)	270	2022 йил декабрь
4	Самарқанд вилоятида ФЭС қуриш лойиҳаси, Total Eren (Франция)	100	2021 йил декабрь
5	Тошкент вилоятида ИЭС қуриш лойиҳаси, Cengiz Enerji (Туркия)	240	2021 йил декабрь
6	Хоразм вилоятида ИЭС қуриш лойиҳаси, Hidro Enerji (Туркия)	174	2021 йил декабрь
7	Сирдарё вилоятида ИЭС қуриш лойиҳаси, Cengiz Enerji (Туркия)	220	2022 йил октябрь
8	Қашқадарё вилоятида ИЭС қуриш лойиҳаси, CR Proje Geligtirme Yatirim Sanayi ve Ticaret A.Ş (Туркия)	220	2022 йил октябрь
9	Сирдарё вилоятида ИЭС қуриш лойиҳаси, ACWA Power (С. Арабистони)	1470	2023 йил март
10	Навоий вилоятида ФЭС қуриш лойиҳаси, Phanes group (БАА)	200	2023 йил январь
11	Сурхондарё вилоятида ФЭС қуриш лойиҳаси, Masdar Energy (БАА)	457	2023 йил январь
12	Самарқанд вилоятида ФЭС қуриш лойиҳаси, Masdar Energy (БАА)	220	2023 йил январь
13	Жиззах вилоятида ФЭС қуриш лойиҳаси, Masdar Energy (БАА)	220	2023 йил январь



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2022 йил учун бизнес-режаси

14	Сурхондарё вилоятида ИЭС қуриш лойиҳаси, Stone City Energy (Нидерландия)	<b>1560</b>	2024 йил май
15	Бухоро вилоятида ШЭС қуриш лойиҳаси, ACWA Power (С. Арабистони)	<b>500</b>	2023 йил сентябрь
16	Бухоро вилоятида ШЭС қуриш лойиҳаси, ACWA Power (С. Арабистони)	<b>500</b>	2023 йил сентябрь
17	Навоий вилоятида ШЭС қуриш лойиҳаси, Masdar energy (БАА)	<b>500</b>	2024 йил март
	<b>Жами ИЭС, ФЭС ва ШЭСлар 17 та</b>	<b>7 421</b>	
	<b>жумладан ФЭС ва ШЭСлар 9 та</b>	<b>2 797</b>	

## 2. БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

“Ўзбекистон МЭТ” АЖ бошқаруви органлари акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Бошқарув аппарати таркибидан иборат.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органи ҳисобланади. “Ўзбекистон МЭТ” АЖда барча оддий акциялар битта акциядорга - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли бўлиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58-моддасига биноан акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмасдан Ягона акциядор томонидан қарор қабул қилинади.

Ушбу Қонунда ва жамият уставида акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар Ягона акциядор - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан шахсан қабул қилинади ва ёзма равишда ижро этилади.

“Ўзбекистон МЭТ” АЖ Кузатув кенгаши 7 кишидан иборат бўлиб, уларнинг номзодлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Ягона акциядор томонидан тасдиқланади.

Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқариш Ижро этувчи орган - Жамият бошқаруви томонидан амалга оширилади. Бошқарув аппарати 5 аъздан иборат, шу жумладан, бошқарув раиси ва тўрт нафар бошқарув раиси ўринбосарлари. Бошқарув аппарати “Ўзбекистон МЭТ” АЖ Ягона акциядорининг қарорига биноан лавозимга тасдиқланади ва лавозимидан озод этилади.

Тафтиш комиссияси Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга оширади. Тафтиш комиссиясининг таркиби 3 кишидан иборат.

“Ўзбекистон МЭТ” АЖ устав капитали **5 202 311 110 300,00** (Беш триллион икки юз икки миллиард уч юз ўн бир миллион бир юз ўн минг уч юз) сўмни ташкил этади, номинал қиймати **100,0 сўм** бўлган **52 023 111 103** дона оддий акцияларга бўлинади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси электр энергетикасини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” 2019 йил 27 мартдаги ПҚ-4249-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чоратadbирлар тўғрисида” ПФ-6096-сонли Фармониға мувофиқ “Ўзбекистон МЭТ” АЖни ташкил этиш жараёнида чиқарилган акциялар ҳамда устав капиталига қўшилган активлар ҳисобига қўшимча чиқарилган акциялар давлат вакили бўлган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли.





**Тизимдаги корхоналар ва Бошқарув органлари тўғрисида маълумот**  
**Корхона тизимига кирувчи ташкилотлар рўйхати (млн.сўм)**

№	Корхона номи	Улуш миқдори (%)	Устав капитали (баланс қиймати)	Фаолият йўналиши	2020 йилда олинган даромад (дивиденд)
<b>1. Тизимдаги корхоналар</b>					
1	“Ўзэнергоинжиниринг” АЖ	87,47	13 167,1	Лойиҳалаш ва тадқиқот институти	884,8
2	“Савдоэнерго” АЖ	68,87	2 441,2	Трикотаж фабрикаси	32,5
3	“Energomaxsusavto” МЧЖ	100	573,6	Автотранспорт хизмати	755,2
4	“Gridcon” МЧЖ	100	2 000,0	Қурилиш-монтаж ишлари	-
5	"Elektro Kommunal Qurilish" МЧЖ	100	85,0	Қурилиш ва пардозлаш ишлари	-
<b>2. Носоҳавий активлар</b>					
3	“Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” АКБ	0,05	4 634 513,9	Банк хизматлари	84,9

**Корхонанинг бошқарув органлари тўғрисида маълумот**

№	ФИШ	Лавозими (иш жойи), фаолият кўрсатиш даври	Корхонадаги улуши
<b>I. Акциядорлар (иштирокчи, мулкдор)</b>			
1	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги		Йирик акциядор-100% (52 023 111 103 дона оддий акция)
<b>II. Кузатув кенгаши аъзолари</b>			
2	Саидова Галина Каримовна	Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари (Кузатув кенгаши раиси 2021 йилдан)	
3	Ходжаев Шерзод Хикматулаевич	Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирининг ўринбосари (2019 йилдан)	-
4	Насритдинходжаев Омонулло Забиҳуллаевич	Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг биринчи ўринбосари (2021 йилдан)	-
5	Хаджиханов Борий Абирханович	Вазирлар Маҳкамаси шўъба мудир (2021 йилдан)	-
6	Насиров Кахрамонжон Жумабоевич	Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг	-



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2022 йил учун бизнес-режаси

		маслаҳатчиси (2022 йилдан)	
7	Кариев Баходир Давранжанович	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги бошқарма бошлиғи (2021 йилдан)	-

### III. Ижроия органи

1	Исакулов Дадажон Айнакулович	Бошқарув раиси (2019 йилдан)	-
2	Элмуродов Холик Бобоёрович	Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари (2019 йилдан)	-
3	Артиков Собир Садуллаевич	Бошқарув раисининг капитал қурилиш, маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларни кенгайтириш ҳамда ахборот технологиялари бўйича биринчи ўринбосари (2019 йилдан)	-
4	Курбонов Феруз Мустафоевич	Бошқарув раисининг инвестициялар бўйича ўринбосари (2020 йилдан)	-
5	Аширбоев Жасур Тоҳирович	Бошқарув раисининг иқтисодий ва молия масалалари бўйича ўринбосари (2020 йилдан)	-
6	Вакант	Трансформация, рақамлаштириш ва ахборот технологиялари бўйича бошқарув раисининг ўринбосари	-

### 3. ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сонли “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижроси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида ўтказилган 87-сон йиғилиш баёнининг 4-банди ижросини таъминлаш мақсадида 2022 йилга “Ўзбекистон МЭТ” АЖни трансформация қилиш жараёни бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси белгилаб олинди. Жумладан:

- Операцион самарадорликни ошириш ва корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини жорий қилиш бўйича **McKinsey & Company** халқаро консалтинг компанияси жалб қилиниб, тегишли тавсиялар олинди. Ушбу тавсияларни амалга ошириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар белгиланди:

2022 йилда компаниянинг инвестиция лойиҳалари миқдори ва қийматини компания даромадлигига мутаносиб равишда тузиш, хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда, инвестиция лойиҳаларининг қийматини ва амалга ошириш муддатларини мақбуллаштирадиган буюртмачи хизматларини шакллантириш ёки тизимни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг аниқ ечимларини белгилаш. Жамиятда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини тартибга солиш мақсадида, ҳар бир инвестиция лойиҳаси учун алоҳида лойиҳа менежерларини тайинлаш;



**“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2022 йил учун бизнес-режаси**

*Магистрал электр узатиш тармоқларидаги эскиришларни ҳисобга олиб, модернизация қилиш бўйича зарурий чоралар кўриш.*

- Жамият харажатларини қисқартириш ва фаолият бўйича қўшимча даромад манбаларини топиш устида ҳар бир ташкилий тузилма кесимида ишлар олиб бориш;

- 2022 йил 1 январдан бошлаб жамиятнинг асосий фаолиятларига оид бўлмаган ишларни аутсорсингга бериш;

- 2022 йил 1 январдан бошлаб амалга ошириладиган инвестицион лойиҳаларда инвестиция лойиҳаларни «тайёр ҳолда топшириш» шarti асосида (Engineering Procurement Construction) пудратчиларни (кейинги ўринларда — ЕРС-пудратчилар) танловлар орқали жалб қилиш. Келгусида амалга ошириладиган инвестицион лойиҳаларда лойиҳалаш ишларини халқаро стандартлар бўйича ва уч ўлчамли лойиҳалаш (3D лойиҳалаш) технологияларини қўллаган ҳолда амалга ошириш;

- 2022 йил 1 январдан бошлаб модернизация қилинадиган, қуввати ошириладиган, тармоқлар ва подстанцияларнинг рўйхатини, шу жумладан, рақамли технология ва моделлардан фойдаланган ҳолда (эскирганлик даражаси, юкланганлиги, истиқболда қўшимча истеъмолчиларни улашини эътиборга олиб) шакллантириш;

- “Ўзбекистон МЭТ” АЖ да халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисобот тайёрлаш тизимини тўлиқ жорий этиш ишлари амалга оширилди. Амалга оширилган трансформация жараёнларини ўрганиш, 2019-2021 йиллар учун молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида тузилган ҳисоботларни халқаро аудит текширувидан ўтказиш бўйича “Ernst&Young” халқаро аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилаётган ўрганиш ишларини яқунлаш. Халқаро кредит рейтингини олиш ва унга боғлиқ равишда еврооблигацияларни ва ички бозорда қарз мажбуриятларини чиқариш бўйича зарурий чоралар кўриш.



- Халқаро молия бозорида 2022 йил якунига қадар Компаниянинг қимматли қоғозларини **IP0** бозорида бирламчи жойлаштириш ва маблағларни жалб қилиш.

- Ихтисослашган лойиҳа институтини жалб қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси энерготизимидаги барча магистрал электр тармоқларининг рақамли моделини ва интерактив харитасини яратиш ишларини яқунлаш;



- 2022 йилда Россия Федерациясининг “ИКС холдинг” халқаро компанияси билан ўзаро имзоланган шартнома асосида “Рақамли трансформация концепцияси”ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ишларни давом эттириш, жамиятда амалга оширилаётган рақамли трансформация лойиҳаларини қайта кўриб чиқиш ва тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминлаш. Лойиҳа қиймати **109,4 млн.доллар**;



- (SCADA) автоматлаштирилган диспетчерлик назорати тизимини 2024 йил якунига қадар жорий қилиш. Лойиҳанинг тахминий қиймати **90 млн.доллар**;



- (ERP) ресурсларни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини 2024 йил якунига қадар жорий қилиш. Лойиҳанинг тахминий қиймати **30 млн.доллар**;



- Кадрлар сиёсати бўйича Жамият ходимлари малакасини мунтазам ошириб бориш. 2022 йилда **1360 нафар** ходимларни мамлакатимизда, **126 нафар** ходимларни эса хорижда малака оширишларини таъминлаш ва **72 нафар** ходимларни олий таълим муассасаларида ўқитиш.

- Жамиятни трансформация қилиш ҳамда бошқарув сифатини яхшилаш мақсадида ташкилий тузилмалар фаолиятини қайта кўриб чиқиш ҳамда малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш учун эълонлар бериш;

- Жамият ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги кўрсаткичлар (КРІ) тизимини ҳамда мазкур кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда, ходимларни моддий рағбатлантириш, хизматда лавозимини ошириш, мукофотлаш, интизомий чоралар қўллаш тизимини қайта кўриб чиқиш.

#### **4. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ БАЛАНСИНING РЕЖА КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил учун электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансини тасдиқлаш тўғрисидаги фармойиши лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 январдаги Ф-5422-сонли фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 июндаги 319-Ф-сонли Фармойишига мувофиқ электр энергиясини ишлаб чиқаришда янада барқарор ўсишга эришиш, энергия ресурсларининг мутаносиблигини ошириш, шу асосда корхоналар ва аҳолининг электр энергиясига бўлган талабини тўлиқ қондирилишини таъминлаш, республика иқтисодиёти соҳалари ва тармоқларини барқарор ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида ишлаб чиқилган.

**Бунда, 2022 йил учун:**

##### **1. Ишлаб чиқариш**

Электр энергиясини ишлаб чиқариш республика бўйича **79 001,4 млн.кВт\*соат** ёки 2021 йил кўрсаткичларига нисбатан **6 818,4 млн.кВт\*соатга (108,8 фоиз)** кўп режалаштирилмоқда. Жумладан:

Иссиқлик электр станцияларида **72 212,5 млн.кВт\*соат** электр энергияси ишлаб чиқарилиши прогноз қилинмоқда. Бу Давлат хусусий шерикчилиги асосида қурилаётган иссиқлик электр станциялари ва қуёш электр станцияларида янги қувватларни ишга туширилиши ҳамда “Сирдарё ИЭС”да энергоблокларни модернизация қилиш ҳисобига 2021 йилдаги кўрсаткичдан **6 556,9 млн.кВт\*соатга (110,0 фоиз)** кўпдир.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг гидроэлектр станцияларида электр энергиясини ишлаб чиқариш миқдори, ўрта ва узоқ йиллик гидроманбаларнинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда **5 312,5 млн.кВт\*соат** режалаштирилиб, бу 2021 йилга нисбатан **301,9 млн.кВт\*соат ёки 106,0 фоизга** кўпдир.

Иссиқлик электр станцияларида электр энергиясини ишлаб чиқариш табиий газ, мазут ва кўмир билан таъминланганлик ҳамда энергия қурилмаларининг техник ҳолати, шунингдек, ёқилғи сарфини камайтириш прогноз кўрсаткичлари ҳисобига амалга



оширилади.

Республика ташкилотларининг блокстанциялари томонидан электр энергиясини ишлаб чиқариш **956,4 млн.кВт\*соат**ни ташкил этади. Шундан “Олмалиқ КМК” АЖда **200,0 млн.кВт\*соат**, “Uz-Kor Gas Chemical” МЧЖ қўшма корхонасида **406,4 млн. кВт\*соат** ва “Uzbekistan GTL” МЧЖда **350,0 млн.кВт\*соат**ни ташкил қилади.

Кўшни республикалардан импорт қилинадиган электр энергияси миқдори **5 350,0 млн.кВт\*соат**ни ташкил этади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, 2022 йилга мўлжалланган электр энергияси манбаи **84 351,4 млн.кВт\*соат**ни ташкил этади ёки бу кўрсаткич 2021 йилга нисбатан **6 818,4 млн.кВт\*соат**га кўпдир.

## II. Истеъмол

Республика истеъмолчиларини электр энергияси билан таъминлаш **66 452,3 млн.кВт\*соат**ни ташкил қилади (бу эса ўз навбатида 2021 йилдаги етказиб бериладиган электр энергияси ҳажмидан **5 972,9 млн.кВт\*соат** ёки **109,9** фоизни кўп ташкил этади), шу жумладан, иқтисодиёт тармоқларига **48 293,5 млн.кВт\*соат** электр энергияси етказиб берилади (бу эса ўз навбатида 2021 йилдаги етказиб бериладиган электр энергияси ҳажмидан **4 030,6 млн.кВт\*соат** ёки **109,1** фоизни кўп ташкил этади).

Электр энергияси истеъмолининг кўпайиши йирик истеъмолчилар (“Навоий КМК” ДК, “Олмалиқ КМК” АЖ, “Ўзкимёсаноат” АЖ, “Ўзбекенгилсаноат” АЖ, “Ўзметкомбинат” АЖ, “Ўзқурилишматериаллари” АЖ ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ) томонидан ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайиши билан боғлиқ.

Аҳолини электр энергияси билан таъминлаш қишлоқ жойларидаги фойдаланишга топшириладиган янги турар-жой массивларини ҳисобга олган ҳолда, **18 158,8 млн.кВт\*соат**ни ташкил қилади (бу эса ўз навбатида 2021 йилдаги етказиб бериладиган электр энергияси ҳажмидан **1 942,3 млн.кВт\*соат**га кўп ёки **112,0** фоизни ташкил этади).

## III. Экспорт

Афғонистонга **2 210,0 млн.кВт\*соат** электр энергиясини экспорт қилиш прогнозлаштирилмоқда.

Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикалари сув ва энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш, 2022 йилда қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш давридаги сув танқислигини олдини олиш мақсадида Қирғизистон Республикаси билан тузилган шартномага мувофиқ **250,0 млн.кВт\*соат** электр энергияси етказиб берилади.



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2022 йил учун бизнес-режаси

**2022 йилда электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансининг чораклар бўйича прогноз қилинаётган кўрсаткичлар тақсимооти (млн.кВт\*соат)**

Т/р	Баланс кўрсаткичлари	2022 йилга прогноз	шу жумладан			
			I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
<b>I</b>	<b>РЕСУРСЛАР - жами</b>	<b>84 351,4</b>	<b>22 313,8</b>	<b>18 942,6</b>	<b>19 480,0</b>	<b>23 614,9</b>
	шу жумладан:					
<b>1.</b>	<b>Жами ишлаб чиқариш</b>	<b>79 001,4</b>	<b>20 813,8</b>	<b>17 692,6</b>	<b>18 380,0</b>	<b>22 114,9</b>
1.1.	<b>Иссиқлик электр станциялари ва марказлари, ш.ж.:</b>	<b>72 212,5</b>	<b>19 745,5</b>	<b>15 648,6</b>	<b>16 143,7</b>	<b>20 674,7</b>
	“Иссиқлик электр станциялари” АЖ	55 902,1	16 006,1	11 805,8	12 160,4	15 929,8
	“Ангрен ИЭС” АЖ ва “Янги-Ангрен ИЭС” АЖ	6 737,2	2 176,2	1 232,8	1 283,3	2 044,9
	ДХШ асосида ИЭСлар	9 573,2	1 563,2	2 610,0	2 700,0	2 700,0
1.2.	<b>“Ўзбекгидроэнерго” АЖ*</b>	<b>5 312,5</b>	<b>806,6</b>	<b>1 681,0</b>	<b>1 784,6</b>	<b>1 040,3</b>
1.3.	<b>Блокстанциялар</b>	<b>976,4</b>	<b>174,5</b>	<b>202,0</b>	<b>280,9</b>	<b>318,9</b>
	Олмалик ТМК	200,0	68,0	35,5	35,5	61,0
	“Uz-Kor Gas Chemical”	406,4	101,4	92,2	100,1	112,6
	“Uzbekistan GTL” МЧЖ	350,0	0,06	69,3	140,3	140,3
1.4.	<b>Давлат хусусий шериклик асосидаги ҚТЭМ</b>	<b>500,0</b>	<b>87,2</b>	<b>161,0</b>	<b>170,8</b>	<b>81,0</b>
1.5.	<b>Изоляция станциялари</b>	<b>20,0</b>	<b>5,0</b>	<b>5,0</b>	<b>5,0</b>	<b>5,0</b>
<b>2.</b>	<b>Қўшни республикалар бўйича электр энергияси оқими (импорт)**</b>	<b>5 350,0</b>	<b>1 500,0</b>	<b>1 250,0</b>	<b>1 100,0</b>	<b>1 500,0</b>
2.1	Қирғизистон	250,0	0,0	100,0	150,0	0,0



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2022 йил учун бизнес-режаси

2.2	Қозоғистон	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
2.3	Тожикистон	1 000,0	0,0	420,0	580,0	0,0
2.4	Туркманистон	4 100,0	1 500,0	730,0	370,0	1 500,0
<b>II</b>	<b>ТАҚСИМОТ – жами</b>	<b>84 351,4</b>	<b>22 313,8</b>	<b>18 942,6</b>	<b>19 480,0</b>	<b>23 614,9</b>
	шу жумладан:					
<b>1.1.</b>	<b>Республика истеъмоли</b>	<b>81 541,4</b>	<b>21 255,2</b>	<b>18 504,9</b>	<b>19 198,7</b>	<b>22 582,6</b>
	Тармоқ ички истеъмоли ш.ж:	15 439,1	4 544,1	2 978,5	3 050,2	4 866,3
	станцияларнинг ўз эҳтиёжи	3 674,9	1 023,9	817,3	804,2	1 029,5
	ишлаб чиқариш эҳтиёжи	4,0	1,3	0,9	0,9	0,9
	электр энергиясини узатишдаги сарф	11 760,2	3 518,9	2 160,3	2 245,1	3 835,9
<b>1.2.</b>	<b>Республика истеъмолчилари, ш.ж.:</b>	<b>66 452,3</b>	<b>16 719,7</b>	<b>15 594,1</b>	<b>16 279,9</b>	<b>17 858,6</b>
	иқтисодиёт тармоқлари, бундан:	48 293,5	11 221,9	11 940,1	12 636,7	12 494,8
	“Ангрен ИЭС” АЖ, “Янги-Ангрен ИЭС” АЖ ва “Навоий ИЭС” АЖ истеъмолчилари	6 427,1	1 592,8	1 621,9	1 605,8	1 606,5
	Аҳоли	18 158,8	5 497,8	3 654,0	3 643,2	5 363,8
<b>2.</b>	<b>Экспорт**</b>	<b>2 460,0</b>	<b>1 050,0</b>	<b>370,0</b>	<b>150,0</b>	<b>890,0</b>
	Афғонистонга	2 210,0	850,0	320,0	150,0	890,0
	Қирғизистонга	250,0	200,0	50,0	0,0	0,0

\*) “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ГЭСлари томонидан электр энергиясини ишлаб чиқариш амалдаги йиллик сув миқдорига мутаносиб тарзда ўзгаради;

\*\*\*) Қўшни давлатларнинг электр энергетика тизимларидан қабул қилинадиган электр энергияси (импорт) Ҳукуматлараро битимларни тузишда аниқлик киритилади.



#### 4.1 МАГИСТРАЛ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ ОРҚАЛИ УЗАТИЛАЁТГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ МИҚДОРИ

“Ўзбекистон МЭТ” АЖда 2022 йилда Магистрал электр тармоқлари орқали транспортировка қилинадиган электр энергиясининг прогноз ҳажми **65,0 млрд.кВт\*соат**ни ва электр энергиясини узатишдаги технологик сарфлар **1,98 млрд.кВт\*соат**ни ташкил этиши кутилмоқда.

#### Электр энергияси транспортировкаси, (млрд.кВт\*соат)



*Изоҳ: Электр энергиясини транспортировка қилиш ҳажми прогнозига электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмоли балансининг тасдиқланишига қараб ўзгартиришлар киритилиши мумкин.*

#### 5. МОЛИЯВИЙ РЕЖА КЎРСАТКИЧЛАРИ

“Ўзбекистон МЭТ” АЖнинг 2022 йил учун кутиляётган бизнес-режа бўйича соф тушум режаси **22 737,5 млрд.сўм**ни, ишлаб чиқариш ҳаражатлари **25 991,9 млрд.сўм**ни, давр ҳаражатлари **345,7 млрд.сўм**ни, молиявий фаолият ҳаражатлари **391,2 млрд.сўм**ни ташкил этиши кутилмоқда. 2022 йил амалдаги тарифлар сақланиб қолган шароитда Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти **3 991,4 млрд.сўм** миқдорида зарар билан яқунланиши кутилмоқда. Шу билан бирга, “Ўзбекистон МЭТ” АЖ 2022 йилда ўз маблағлари ҳисобидан **492,5 млрд.сўм** миқдорида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва халқаро молия институтлари ва республика тижорат банкларида жалб қилинган кредитлар бўйича **39,19 млн АҚШ доллари** миқдорида тўловларни амалга оширади.

Жамиятнинг молиявий ҳолати барқарорлигини таъминлаш, ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва илгари жалб қилинган кредитларни ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш мақсадида электр энергиясини ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва тақсимлаш бўйича ички тармоқ тарифларини қайта кўриб чиқиш ва истеъмолчиларга етказиб бериладиган электр энергияси учун келиб тушадиган пул маблағларини тақсимлашнинг амалдаги тартибига ўзгартириш киритиш зарур бўлади.





“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2022 йил учун бизнес-режаси

## 2022 йил учун молиявий кўрсаткичлар прогнози тўғрисида маълумот (млн.сўм)

	Кўрсаткичлар номи	2022 йил режаси	Шу жумладан:			
			1 чорак	2 чорак	3 чорак	4 чорак
<b>1</b>	<b>Соф фойда (ҚҚС сиз)</b>	<b>22 737 494</b>	<b>5 283 646</b>	<b>4 542 357</b>	<b>5 562 666</b>	<b>7 348 825</b>
	шунингдек бошқа даромадлар	384 726	94 790	193 038	53 620	43 278
<b>2</b>	<b>Ишлаб чиқариш таннарихи</b>	<b>25 991 941</b>	<b>6 501 520</b>	<b>5 608 022</b>	<b>6 142 219</b>	<b>7 740 180</b>
2.1.	Ёқилғи	10 180	2 072	2 685	2 548	2 874
2.2.	Электрэнергия, шу жумладан:	24 633 713	6 181 905	5 267 548	5 788 957	7 395 302
	<i>Электр энергияси хариди</i>	23 122 457	5 925 943	4 959 191	5 427 414	6 809 909
	<i>ДХШ асосидаги ИЭСлар учун табиий газ хариди</i>	812 446	50 053	169 860	231 027	361 507
	<i>Магистрал тармоқлар бўйича эл.энергия йўқотишлари</i>	698 809	205 910	138 497	130 516	223 887
2.3.	Таъмирлаш ишлари	13 335	3 412	4 349	3 122	2 452
2.4.	Амортизация	915 222	218 734	218 379	208 056	270 053
2.5.	Иш хақи	164 390	36 166	40 312	43 476	44 436
2.6.	Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари	255 102	59 231	74 748	96 060	25 063
<b>3</b>	<b>Давр харажатлари</b>	<b>345 767</b>	<b>78 295</b>	<b>74 686</b>	<b>90 379</b>	<b>102 406</b>
3.1.	Иш хақи	155 728	25 100	37 414	41 588	51 627
3.2.	Солиқ ва йиғимлар	46 056	10 371	10 928	12 817	11 940
	<i>сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ</i>	65	16	16	16	16
	<i>мол-мулк солиғи</i>	34 746	7 544	8 101	9 989	9 112
	<i>ер солиғи</i>	11 245	2 811	2 811	2 811	2 811
3.3.	<b>Бошқа давр харажатлари</b>	<b>143 982</b>	<b>42 824</b>	<b>26 344</b>	<b>35 974</b>	<b>38 840</b>
	КЕГОС (частота регуляцияси)	17 743	6 383	3 263	1 268	6 829
	Ижара, банк хизмати, жарима ва пенялар ва бошқалар	120 752	31 712	22 328	34 701	32 011
	Кўзда тутилмаган харажатлар (бино қурилиши, хомийлик ёрдами, фонд ва бошқалар)	5 487	4 729	752	5	0
<b>4</b>	<b>Молиявий фаолият бўйича харажатлар</b>	<b>391 216</b>	<b>190 339</b>	<b>59 872</b>	<b>76 103</b>	<b>64 902</b>
	<i>Фоизлар шаклидаги харажатлар</i>	48 324	9 323	10 055	13 094	15 853
	<i>Валюта курси фарқидан зарарлар</i>	342 892	181 017	49 817	63 008	49 050
<b>5</b>	<b>Солиқ тўлагунга қадар олинadиган фойда</b>	<b>-3 991 429</b>	<b>-1 486 508</b>	<b>-1 200 222</b>	<b>-746 035</b>	<b>-558 664</b>

**Изоҳ:** Электр энергиясини харид қилиш ва сотиш тарифлари ўзгарганда ҳамда электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмоли баланси тасдиқланганда молиявий кўрсаткичлар прогнозига ўзгартиришлар киритилади.



## 6. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ (ЭКСПОРТ-ИМПОРТ) БЎЙИЧА

### I. Товар ва хизматлар экспорти (пул тушуми).

“Ўзбекистон МЭТ” АЖ бўйича 2022 йилда қуйидаги йўналишларда жами **116,8 млн.доллар (1 285,0 млрд.сўм)** қийматидаги товар ва хизматлар экспорти амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

Шундан,

- Афғонистон Ислом Республикасига **2.210,0 млн.кВт\*соат** ёки **110,5 млн.доллар (1 215,5 млрд. сўм)** қийматидаги электр энергиясининг экспорти;
- Қозоғистондан Қозоғистонга (Махтаорол туманига) **1,3 млн.доллар (14,3 млрд. сўм)** қийматидаги электр энергиясининг транзит хизмати;
- Туркменистондан Қирғизистон Республикасига **5,02 млн.доллар (55,2 млрд.сўм)** қийматидаги электр энергиясининг транзит хизмати.

### II. Товар ва хизматлар импорти (ҳаражатлар).

“Ўзбекистон МЭТ” АЖ бўйича 2022 йилда товар ва хизматлар импорти учун жами **1 715,6 млрд.сўм** миқдорида ҳаражатлар амалга оширилиши кутилмоқда.

Жумладан:

- Туркменистондан **4 100,0 млн.кВт\*соат** электр энергиясини импорт қилиш учун жами **1 400,6 млрд.сўм**, шундан электр энергияси учун шартномага асосан ҳисоб-китоб қилишга **1 217,7 млрд.сўм (1 кВт\*соат учун 2,7 цент, жами 110,7 млн.доллар)**, божхона тўловлари учун (ҚҚС ва божхона йиғимлари) **182,9 млрд.сўм**;
- Тожикистон Республикасидан **1 000,0 млн.кВт\*соат** электр энергиясини импорт қилиш учун жами **278,4 млрд.сўм**, шундан электр энергияси учун шартномага асосан ҳисоб-китоб қилишга **242,0 млрд.сўм (1 кВт.с. учун 2,2 цент нарх қутилмоқда, жами 22,0 млн.доллар)**, божхона тўловлари учун (ҚҚС ва божхона йиғимлари) **36,4 млрд.сўм**;
- Қирғизистондан Рсепубликасидан электр энергиясини импорт қилишдаги транспортировка хизмати учун тўлов **7,97 млрд.сўм (725,0 минг доллар)**;
- Қозоғистон Республикаси энергетика тизими томонидан кўрсатилган қувватни ростлаш хизмати учун тўлов **28,3 млрд.сўм (2,6 млн.доллар)**.



**2022 йил учун экспорт ва импорт прогноз кўрсаткичлари тўғрисида маълумот (минг АҚШ доллари)**

Т/Р	Маҳсулот (хизмат) номи	Ўлчов бирлиги	2021 йил		2022 йил (режа)		I чорак		II чорак		III чорак		IV чорак	
			Сони	Минг. долл	Сони	Минг. долл	Сони	Минг. долл	Сони	Минг. долл	Сони	Минг. долл	Сони	Минг. Долл
1.	<b>Экспорт</b>	млн. кВт.с	2 210,0	131 800,0	2 210,0	131 800,0	850,0	42 740,0	320,0	16 230,0	150,0	7 879,0	890,0	64 951,0
	Электр энергияси		2 210,0	110 500,0	2 210,0	110 500,0	850,0	42 500,0	320,0	16 000,0	150,0	7 500,0	890,0	44 500,0
	Транзит хизматлари ва бошқалар			1 300,0		1 300,0		240,0		230,0		379,0		451,0
	Қурилиш-монтаж ишлари (Пули-Хумри қурилиши)			20 000,0		20 000,0								20 000,0
2.	<b>Импорт</b>	млн. кВт.с	6 347,0	163 845,0	5 350,0	137 276,0	1 500,0	42 058,5	1 250,0	28 323,3	1 100,0	27 773,4	1 500,0	39 120,8
	Электр энергияси		6 347,0	161 269,0	5 350,0	134 700,0	1 500,0	40 500,0	1 250,0	28 210,0	1 100,0	27 490,0	1 500,0	38 500,0
	Частотани (қувватни) соzлаш бўйича хизматлар	МВт	1 000	2 576,0	1 000	2 576,0	605	1 558,5	44	113,3	110	283,4	241	620,8



## 7. ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ РЕЖАСИ

Жамият 2022 йилда янги ишлаб чиқариш қувватларни яратиш, модернизация ва мавжуд ишлаб чиқариш қувватларни реконструкция қилиш бўйича жами **30 та** умумий қиймати **1 385,4 млн. АҚШ доллари** миқдоридаги йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни режалаштирган. Шундан, **146,2 млн АҚШ доллари** миқдоридаги капитал қўйилмаларни ўзлаштириш кўзда тутилган, жумладан:

- Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар – **107,10 млн АҚШ доллари**;
- Соҳа маблағлари ҳисобидан – **39,19 млн АҚШ доллари**.

Шундан:

- Янги қурилиш лойиҳалари **22 та** – **87,52 млн АҚШ доллари**;
- Модернизация ва реконструкция лойиҳалари **8 та** – **58,77 млн АҚШ доллари** миқдорида.

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ ўзининг бир қатор вазифалари амалга ошириш билан бирга юқори кучланишли электр тармоқларини қуриш, кенгайтириш, модернизация ва реконструкция қилиш, техник қайта жиҳозлаш, объектларни молиялаштириш ҳамда уларни амалда бажарилиши учун йиллик ва истиқболли электр тармоқларининг қурилиш дастурларини ҳам амалга оширади.

Хусусан 2022 йилда модернизация ва реконструкция дастури асосида жами **11 та** подстанцияларда қўшимча **1 616 МВА** қувват ошириш режалаштирилган. Шунингдек, Инвестиция дастурида 2022 йилда қўриб чиқилиши режалаштирилган истиқболли **9 та** лойиҳа мавжуд.

“Ўзбекистон МЭТ” АЖ томонидан 2022 йил давомида амалга оширилиши режалаштирилган инвестиция дастури режасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2022-2024 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳасига киритиш учун жорий йил 27 август ҳамда 22 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирликларига таклиф юборилган.

Жамият томонидан инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида фойдаланишга топшириш бўйича мамлакат ҳукумати томонидан қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш учун барча чоралар қўрилмоқда. Бунда **31 та** инвестиция лойиҳалари бўйича тармоқ ва босқичма-босқич амалга ошириш режа жадваллари ишлаб чиқилмоқда.

Шу билан бирга, Дастурда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича кўзда тутилган чора-тадбирлар бутун республика, шунингдек, алоҳида электр марказлари учун электр таъминотининг ишончлилигини оширишга, ёқилғи-энергетика ресурслари, айниқса табиий газ истеъмолини камайтиришга, электр энергиясини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштиришга, паст кучланишли электр тармоқларини ва қайта тикланадиган манбаларини ривожлантиришга қаратилган.

Соҳани ривожлантириш дастури лойиҳасига киритилган инвестиция лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириш учун “Ўзбекистон МЭТ” АЖ истеъмол қилинадиган электр энергияси учун тушумларни қўпайтириш ҳисобига саноатнинг ўз маблағларини топиш бўйича ишларини давом эттиради.



**3-Илова. Амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари рўйхати;**

Т/р	Ташаббускор ва лойиҳа номи	Лойиҳанинг умумий қиймати* млн долл.	01.01.2022 кутилаётган қолдиқ, млн долл.	2022 йилда ўзлаштириш прогнози			2022 йил			
				Жами, млн доллар	Ўз маблағлари	Давлат кафолати остидаги хор. кредитлар	I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
	<b>Жами</b>	<b>1 385,48</b>	<b>818,28</b>	<b>146,29</b>	<b>39,19</b>	<b>107,10</b>	<b>9,13</b>	<b>25,27</b>	<b>36,82</b>	<b>75,07</b>
	<b>Инвестиция дастури</b>	<b>1 159,1</b>	<b>778,4</b>	<b>133,30</b>	<b>26,20</b>	<b>107,10</b>	<b>5,23</b>	<b>19,35</b>	<b>34,62</b>	<b>74,1</b>
1	Навоий ИЭСдан 220 кВли “Бесопан” ўчириб-ёқиш пунктигача 177 км узунликдаги 220 кВ бўлган электр узатиш тармоғини 500 кВ габаритда қуриш.	108,20	76,7	18,50	0,50	18,00	-	2,00	4,1	12,4
2	“Сирдарё ИЭС” АЖда 220 кВли ҳаво линиясини ва 220 кВли “Зафаробод” нимстанциясини қуриш.	75,5	55,5	13,00	0,50	12,50	1,00	2,00	3,20	6,80
3	3x167 МВт бўлган иккита автотрансформаторни ўрнатиш орқали 500/220 кВ бўлган “Мурунгов” нимстанциясини қуриш қуриш.	111,7	83,60	18,50	0,50	18,00	-	1,50	3,60	13,40
4	Янги 500 кВ кучланишли “Халқа” нимстанцияси ва 220 кВ, 500 кВ кучланишли ҳаво электр узатиш тармоқлари қуриш.	171,4	144,2	8,50	0,50	8,00	-	0,50	2,00	6,00
5	220 кВ “Амир Темур” нимстанциясини “Ўзор” нимстанциясидан 220 кВ ҳаво линияси билан қуриш.	15,80	15,80	2,80	2,80	-	0,30	1,10	1,10	0,30
6	Дисперчирлик бошқаруви ва маълумотларни йиғиш дастурий-аппарат комплексини (SCADA) жорий қилиш.	90,00	90,00	2,00	-	2,00	-	-	-	2,00
7	“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини (ERP) жорий этиш.	30,00	30,00	0,50	-	0,50	-	-	-	0,50



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2022 йил учун бизнес-режаси

8	Сирдарё вилоятида қуввати 1500 МВт бўлган янги иссиқлик электр станциясини қуриш лойиҳаси доирасида 500 ва 220 кВ ҳаво тармоқларига улаш.	6,00	6,00	6,00	6,00	-	1,0	2,40	2,20	0,40
9	Андижон вилоятидаги истимолчиларнинг электр таъминотини яхшилаш ҳамда аҳолини барқарор электр энергияси билан таъминлаш учун 220 кВ кучланишли ҳаво тармоғи ва янги 220/110/10 кВли подстанция қуриш.	12,50	12,50	5,00	5,00	-	0,10	1,63	2,00	1,27
10	“Ургут” ЭИЗнинг “Мерганчи” ҳамда “Сариқтепа” мавзеларида жойлашган ишлаб чиқариш корхоналарини узлуксиз электр энергия билан таъминлаш мақсадида 220 кВ кучланишли ҳаво тармоғи ва янги 220/110/10 кВли подстанция қуриш.	25,50	25,50	5,00	5,00	-	0,03	1,70	2,00	1,27
11	“500 кВли “Сурхон - Пули – Хумри” (Хўжа Алвон) электр узатиш тармоғини қуриш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида” лойиҳаси доирасида “Сурхон” ПСдаги ОТҚни кенгайтириш.	32,00	1,00	0,10	0,10	-	0,05	0,02	0,02	0,016
12	Магистрал электр тармоқ подстанцияларини модернизация ва реконструкция қилиш.	292,2	51,10	51,10	3,00	48,10	2,40	6,10	13,30	29,30
13	Магистрал электр тармоқ нимстанцияларини модернизация ва реконструкция қилиш (Фаза-II).	178,4	178,4	0,30	0,30	-	0,25	0,05	0	0
14	“Навоий КМК” ДҚдан ўтказилган нимстанцияларни модернизация ва реконструкция қилиш.	10,00	8,00	2,00	2,00		0,10	0,35	1,10	0,45
<b>Йилдан-йилга ўтиб келаётган ҳукумат қарорлари асосида амалга оширилаётган лойиҳалар</b>		<b>226,38</b>	<b>39,98</b>	<b>12,99</b>	<b>12,99</b>		<b>3,90</b>	<b>5,92</b>	<b>2,20</b>	<b>0,97</b>
15	Жанубий-Ғарбий магистрал электр тармоқларининг эски жихозларни алмаштириш ва модернизациялаштириш.	32,00	0,44	0,44	0,44		0,13	0,19	0,12	-
16	Жиззах вилояти Зафаробод туманида жойлашган 110/10 кВ “ДНС-2” нимстанциясини 220/110/10 кВ ўтказиш.	6,00	4,00	4,00	4,00	-	1,5	2,5	-	-
17	Ангрен ЭИЗ ҳудудидаги янги ишга тушаётган лойиҳаларни барқарор электр энергияси билан таъминлаш мақсадида Оҳангарон туманида 220/110 кВ кучланишли янги замонавий рақамли подстанция ҳамда “Янги Ангрен” ИЭС билан “Оҳангарон” подстанциясини боғловчи икки занжирли 220 кВ кучланишли ҳаво тармоғи қуриш.	30,00	30,00	3,05	3,05	-	0,13	1,15	1,33	0,44



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2022 йил учун бизнес-режаси

18	Навоий ИЭС-ПС Химия оралигида 220 кВли ҳаво тармоғини қурилиши лойиҳаси доирасида ОТҚни кенгайтириш.	6,0	0,80	0,80	0,80	-	0,11	0,69	-	-
19	Odas Enerji A.Ş." (Туркия) компанияси томонидан амалга оширилаётган "Хоразм вилоятида қуввати 174 МВт бўлган газ поршенли электр станциясини қуриш" инвестиция лойиҳаси доирасида "Хоразм" ПС 110 кВ қисмини иккита ячейкага кенгайтириш учун лойиҳалаштириш ва қуриш.	0,30	0,30	0,26	0,26	-	0,26	-	-	-
20	Тошкент вилоятида “Янги қуриладиган қуввати 240 МВт бўлган буғ-газ қурилмали ва 230 МВт бўлган газ-поршенли иссиқлик электр станцияларини 110 кВли ҳаво тармоғига улаш”.	0,60	0,53	0,53	0,53		0,26	0,27	-	-
21	Жиззах вилояти Фориш туманидаги Атом электростанцияси қурилиш майдонини ташқи электр энергия билан таъминлаш.			0,004	0,004		-	-	-	0,004
22	"Самарқанд-Бухоро" темир йўл линиясини электрлаштириш ва тез юрар пассажир поезда ҳаракатини ташкиллаштириш.	12,00	0,27	0,27	0,27		0,14	0,13	-	-
23	220 кВли Сергели нимстанциясига “кириш-чиқиш” бўлган 110 кВли Л-19-Д ҳаво тармоғини қуриш.	3,00	0,82	0,82	0,82		0,31	0,40	0,11	-
24	220 кВ ли Тахиатош ИЭС – ПС “Хоразм” – Саримой аҳоли яшаш пункти (Хоразм вилояти) электр узатиш линияси қурилиши.	100,00	0,18	0,18	0,18		0,18	-	-	-
25	“Ўзбекистон МЭТ” АЖ учун Тошкент шаҳри Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 42-уй манзилида камида етти қаватли ишлаб чиқариш диспетчерлик корпуси қурилиши.	10,00	0,88	0,88	0,88		0,53	0,35	-	-
26	Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 2 мавзеда жойлашган бўш ер участкасида уй жой қурилиши.	0,48	0,48	0,48	0,48		-	0,11	0,24	0,13
27	“500 кВли Сырдарьинская ТЭС – Лочин” ҳаво электр тармоғини реконструкция қилиш.	22,00	0,49	0,49	0,49		-	0,04	0,27	0,18
28	“Беруний” нимстанциясида 125 МВАли иккинчи трансформаторни ўрнатиш.	1,00	0,09	0,09	0,09		0,09	-	-	-
29	Бухоро вилоятида қурилаётган қуввати 270 МВт бўлган ИЭС учун 220 кВ кучланишдаги ҳаво тармоғини қуриш.	2,5	0,35	0,35	0,35		0,26	0,09	-	-
30	1-сонли Дўрмон пансионатининг электр тармоқларини реконструкция қилиш.	0,50	0,35	0,35	0,35		-	-	0,13	0,22



**2021-2022 йилларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, модернизация ҳамда реконструкция қилиш учун инвестициялар динамикаси**

*млн АҚШ долл.*

Номи:	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 декабрдаги ПҚ-4937-сонли қарорига асосан		Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-72 -сонли қарорига асосан	
	Жами капитал қўйилмалар 2021 йилда	шу жумладан, соҳа маблағлари	Жами капитал қўйилмалар 2022 йилда	шу жумладан, соҳа маблағлари
<b>Жами:</b>	<b>124,0</b>	<b>16,60</b>	<b>146,29</b>	<b>43,50</b>
Янги қурилиш	69,9	11,4	87,52	37,80
Модернизация ва реконструкция	54,1	5,20	58,77	5,70

*Изоҳ: 2022 йил инвестиция лойиҳалари бўйича капитал қўйилмаларга Ҳукумат қарорларига мувофиқ ўзгартиришлар киритилади.*





## 8. КРЕДИТ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2022 йилда қўйилган тўловлар.

Жумладан, Молия вазирлиги бюджет ссудасини сўндириш учун миллий валютада **46 586,0 млн.сўмни**, шундан **46 471,4 млн.сўм** ссуда маблағи асосий қарз ва **114,6 млн.сўм** унга ҳисобланган фоизлар.

Хорижий валютада **37 959,8 минг АҚШ доллари**, шундан **27 921,6 минг АҚШ доллари** миқдориди асосий қарз ва **10 038,2 минг АҚШ доллари** миқдориди кредитга ҳисобланадиган комиссия хизматлари ва фоизлари.

Жумладан:

Тикланиш ва Тараққиёт халқаро банки (МБРР) қайта кредитлаш шартномалари бўйича жами **13,1 млн АҚШ доллари** миқдориди;

Ислом тараққиёт банки (ИБР) кредит шартномалари бўйича жами **6,06 млн АҚШ доллари**;

Жаҳон банки (ВБ МАР) қайта кредитлаш шартномалари бўйича жами **3,3 млн АҚШ доллари** миқдориди;

Осиё тараққиёт банки (АБР) қайта кредитлаш шартномалари бўйича жами **3,5 млн АҚШ доллари** миқдориди;

Эксимбанк (Хитой) Ўзсаноатқурилишбанки томонидан қайта молиялаштирилган кредит шартномаси бўйича **2,9 млн АҚШ доллари** миқдориди тўлов амалга оширилиши режалаштирилган.

### Кредитлар ва уларни тўлаш жадвали (сўм, валюта)

#### Миллий валютадаги кредитлари тўғрисида маълумот (млн.сўм)

№	Ссуда мақсади	Ссуда шартлари	Кредит шартномаси рақами ва санаси	2022 йил ЖАМИ	жумладан		
					Асосий қарз	%	банк комиссияси
1	“Ўзбекистон МЭТ” АЖ иссиқлик электр станцияларига кредиторлик қарзларини тўлаш учун мақсадли бюджет ссудаси	<b>2 фоиздан 1,5 йилга 325 млрд. сўм</b> (қайтариш санаси 28.02.2022й)	№03-05-19/188 10.09.2019 й	46 586,0	46 471,4	114,6	0,0
2	ВМ Фармойишига асосан қурилиш учун мақсадли бюджет ссудаси	<b>2 фоиздан 7 йилга 9 млрд сўм</b> (2 йил имтиёзли давр, қайтариш санаси 20.10.2028й)	№03-05-21/52 20.10.2021й	450,0	0,0	450,0	0,0
	<b>Жами</b>			<b>47 036,0</b>	<b>46 471,4</b>	<b>564,6</b>	<b>0,0</b>

Ссуда берувчи: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги



**Хорижий валютадаги кредитлари тўғрисида маълумот (минг АҚШ доллари)**

№	Кредит мақсади	Асос	Кафиллик	Кредит шартномаси рақами ва санаси	2022 йил ЖАМИ	Жумладан		
						Асосий қарз	%	Банк комиссияси
				<b>Жами:</b>	<b>37 959,8</b>	<b>27 921,6</b>	<b>8 881,3</b>	<b>1 156,9</b>
	<b>Ислом тараққиёт банки жами кредитлари</b>				<b>6 063,0</b>	<b>5 679,4</b>	<b>383,6</b>	<b>0,0</b>
1	“Ўзур” нимстанцияси – “Сурхон” кичик станциясида 500 кВ электр узатиш линиясини қуриш.	ПҚ-1122 03.06.2009 й	Ўзб Рес кафиллиги	UZB-0038 02.09.2008 й	3 952,8	3 750,9	201,9	0,0
2	Сирдарё ИЭС - Сўғдиёна нимстанцияси оралиғида 500 кВ юқори кучланишли тармоқ қурилиши (II занжир).	ПҚ-105 22.06.2005 й	Молия Вазирлиги	UZB-014 14.09.2004 й	1 320,7	1 214,3	106,4	0,0
3				UZB-015 14.09.2004 й	789,5	714,2	75,3	0,0
	<b>Халқаро тикланиш ва тарққиёт банки жами кредитлари</b>				<b>13 133,5</b>	<b>9 983,8</b>	<b>2 958,2</b>	<b>191,5</b>
4	Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўл линияси қурилиши.	ПҚ-1985 18.06.2016 й	Молия Вазирлиги	№8465-UZ 31.07.2015 й	637,0	542,0	95,0	0,0
5	Магистрал тармоқларнинг нимстанцияларини модернизация ва реконструкция қилиш.	ПҚ-3284 16.09.2017 й	Ўзб Рес кафиллиги	№8664-UZB 20.09.2017 й	5 877,5	4 600,0	1 086,0	191,5
6	Талимаржон ИЭС - Сўғдиёна нимстанцияси 500 кВ ҳаво линияси ва Талимаржон ИЭСда 500кВ ОТҚ қурилиши.	ПҚ-1609 27.08.2011 й	Ўзб Рес кафиллиги	№8009-UZ 03.11.2011 й	6 619,0	4 841,8	1 777,2	0,0
	<b>Жаҳон банки жами кредитлари</b>				<b>3 348,9</b>	<b>1 913,9</b>	<b>786,0</b>	<b>649,0</b>
7	Магистрал тармоқларнинг нимстанцияларини модернизация ва реконструкция қилиш.	ПҚ-3284 16.09.2017 й	Ўзб Рес кафиллиги	№5917-UZB 20.09.2017 й	1 026,7	621,7	266,0	139,0
8		ПҚ-3284 16.09.2017 й	Ўзб Рес кафиллиги	№5916-UZB 20.09.2017 й	2 322,2	1 292,2	520,0	510,0



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2022 йил учун бизнес-режаси

<b>Осиё тараққиёт банки жами кредитлари</b>					<b>3 577,6</b>	<b>3 036,2</b>	<b>537,1</b>	<b>4,3</b>
9	Самарқанд вилоятида 100 МВт қувватига эга қуёшли фотоэлектр станцияси қурилиши.	ПҚ-2183 04.06.2014 й	Молия Вазирлиги	№3058/59 21.11.2013 й (04;10)	52,2	36,2	11,7	4,3
10	Тахиатош ИЭС - Хоразм кичик станцияси - Саримой аҳоли пунктида 220 кВ ли электр узатиш линияси қурилиши (Хоразм вилояти).	ПҚ-2541 02.06.2015 й	Молия Вазирлиги	№3285-UZB 16.03.2016 й	3 525,4	3 000,0	525,4	0,0
<b>Эксимбанк (УзСҚБ) жами кредитлари</b>					<b>2 908,7</b>	<b>2 191,9</b>	<b>716,8</b>	<b>0,0</b>
11	Сирдарё ИЭС – Янги Ангрен ИЭС оралиғида 500 кВ юқори кучланишли тармоқ қурилиши.	ПҚ-1831 17.10.2013 й	Молия Вазирлиги	№04-118 12.11.2012 й	2 908,7	2 191,9	716,8	0,0
<b>Ўзб Рес Тикланиш ва тараққиёт банки жами кредитлари</b>					<b>1 770,1</b>	<b>1 529,4</b>	<b>240,7</b>	<b>0,0</b>
12	“Тошкент металлургия комбинати” МЧЖ учун ташқи электр таъминоти объектларини қуриш.	ВМҚ-540 28.06.2019 й	Молия Вазирлиги	№ 04-124 25.08.2019 й	1 770,1	1 529,4	240,7	0,0
<b>Европа Тикланиш ва тараққиёт банки жами кредитлари</b>					<b>7 158,0</b>	<b>3 587,0</b>	<b>3 258,9</b>	<b>312,1</b>
13	“Навоий иссиқлик электр станциясидан 220 кВли “Бесопан” ўчириб-ёқиш пунктигача 177 км узунликдаги 220 кВли электр узатиш тармоғини 500 кВли габаритда қуриш”.	ВМҚ-372 10.06.2020 й	Молия Вазирлиги	№50691 20.11.2019 й	2 471,2		2 471,2	
14	“500/220 кВли Мурунтау подстанциясини қуриш ва иккита 3x167 МВАлик автотрансформаторларини ўрнатиш”.	ВМҚ-265 03.05.2020 й	Молия Вазирлиги	№50117 08.10.2018 й	4 686,8	3 587,0	787,7	312,1



## 9. ИШ ҲАҚИ ҲИСОБИ

2022 йилда “Ўзбекистон МЭТ” АЖда кутилаётган умумий ишловчи ходимлар сони **4 566** та ва иш ҳақи фонди ижтимоий солиқларни ҳисобга олмаган ҳолда **320,1** млрд.сўмни ташкил этади.

### Иш ҳақи ҳисоблаш ва тўлаш тизими

млн.сўм

№	Ишчи-хизматчилар	2021 йил (кутилаётган)				
		Ўртача ишчилар сони	Иш ҳақи миқдори (қатъий)	шу жумладан:		
				Рағбат-ш хусусият эга тўловлар	Устама ва қўшимча ҳақлар	Меҳнат таътил чиқиши мун.бн қўш. ҳақ
<b>Жами</b>		<b>4 567</b>	<b>234 460</b>	<b>37 289</b>	<b>11 937</b>	<b>7 000</b>
<b>I.</b>	<b>Бошқарув органлари</b>	<b>12</b>	<b>1 681</b>	<b>191</b>	<b>27</b>	<b>62</b>
1.	Кузатув кенгаши	5	256	-	-	-
2.	Ижроия органи	5	1 424	191	27	62
	<i>Ижроия органи раҳбари</i>	1	355	43		16
	<i>Ижроия орган аъзолари</i>	4	1 069	148	27	46
<b>II.</b>	<b>Назорат органлари</b>	<b>5</b>	<b>178</b>	<b>27</b>		
1.	<i>Тафтиш комиссияси</i>	3	60	-	-	-
2.	<i>Ички аудит (0,5ст-2)</i>	2	117	27	-	-
<b>III.</b>	<b>Саноат иш/чиқаришда</b>	<b>3 510</b>	<b>155 651</b>	<b>27 280</b>	<b>10 163</b>	<b>4761</b>
<b>IV.</b>	<b>Маъмурий бошқарувда</b>	<b>566</b>	<b>57 755</b>	<b>8 189</b>	<b>1 021</b>	<b>1 494</b>
<b>V.</b>	<b>Носаноат ходимлари</b>	<b>487</b>	<b>19 193</b>	<b>1 600</b>	<b>724</b>	<b>680</b>

млн.сўм

№	Ишчи-хизматчилар	2022 йил (РЕЖА)				
		Ўртача ишчилар сони	Иш ҳақи миқдори (қатъий)	шу жумладан:		
				Рағбат-ш хусусият эга тўловлар	Устама ва қўшимча ҳақлар	Меҳнат таътил чиқиши мун.бн қўш. ҳақ
<b>Жами</b>		<b>4 566</b>	<b>320 118</b>	<b>55 935</b>	<b>16 037</b>	<b>9 527</b>
<b>I.</b>	<b>Бошқарув органлари</b>	<b>12</b>	<b>2 202</b>	<b>340</b>	<b>32</b>	<b>72</b>
1.	Кузатув кенгаши	7	463			
2.	Ижроия органи	6	1 740	340	32	72
	<i>Ижроия органи раҳбари</i>	1	423	82		18
	<i>Ижроия орган аъзолари</i>	5	1 316	257	32	53
<b>II.</b>	<b>Назорат органлари</b>	<b>6</b>	<b>327</b>	<b>31</b>		
1.	<i>Тафтиш комиссияси</i>	3	70	-	-	-
2.	<i>Ички аудит (0,5ст-2)</i>	3	257	31	-	-
<b>III.</b>	<b>Саноат иш/чиқаришда</b>	<b>3 607</b>	<b>222 733</b>	<b>40 718</b>	<b>13 980</b>	<b>6 849</b>
<b>IV.</b>	<b>Маъмурий бошқарувда</b>	<b>503</b>	<b>72 266</b>	<b>12 533</b>	<b>1 184</b>	<b>2 059</b>
<b>V.</b>	<b>Носаноат ходимлари</b>	<b>450</b>	<b>22 970</b>	<b>2 312</b>	<b>841</b>	<b>546</b>



## 10. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА ТЎЛОВЛАР ҲИСОБИ

Жамиятимиз томонидан 2021 йилда давлат бюджетига **39,9 млрд.сўм** миқдорида солиқ тўловларини амалга оширилди. Жумладан: Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун **0,05 млрд.сўм**, Мол-мулк солиғи **31,4 млрд.сўм**, Ер солиғи **8,5 млрд.сўм** ва бошқа солиқлар **0,04 млрд.сўм**.

2022 йилда давлат бюджетига **45,5 млрд.сўм** миқдорида солиқ тўловларини амалга ошириш кутилмоқда. Жумладан: Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун **0,08 млрд.сўм**, Мол-мулк солиғи **35,0 млрд.сўм**, Ер солиғи **8,8 млрд.сўм** ва бошқа солиқлар **1,7 млрд.сўм**.

### Жамиятнинг Давлат бюджетига тўловлар тўғрисида маълумот (млрд.сўм)

№	Тўловлар	2021 йил	2022 йил	Шу жумладан			
		(Кутила-ётган)	(Режа)	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
<b>Жами</b>		<b>39,9</b>	<b>45,5</b>	<b>10,9</b>	<b>10,9</b>	<b>10,9</b>	<b>10,9</b>
1.	Эгри солиқлар,						
	<i>шу жумладан:</i>						
	ҚҚС	-230,9	-265,5	-66,4	-66,4	-66,4	-66,4
	Акциз						
2.	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ						
3.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,05	0,08	0,02	0,02	0,02	0,02
4.	Фойда солиғи						
5.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, қатъий белгиланган миқдордаги солиқ суммалари ва ижтимоий солиқ						
6.	Мол-мулк солиғи	31,4	35,0	8,75	8,75	8,75	8,75
7.	Ер солиғи	8,5	8,8	1,8	1,9	1,9	1,9
8.	Айланмадан олинадиган солиқ						
9.	Давлат божи ва йиғимлар						
10.	Бошқа солиқлар	0,04	1,7	0,41	0,41	0,43	0,43



## 10. ДЕБИТОР ВА КРЕДИТОР ҚАРЗДОРЛИКЛАР

“Ўзбекистон МЭТ” АЖнинг электр энергиясини ишлаб чиқарувчи корхоналар олдидаги қарздорлиги 2021 йил 1 январь ҳолатига **4 000,9 млрд.сўмни** ташкил этган. 2022 йил 1 январь ҳолатига **7 304,9 млрд.сўмни** ташкил этиб, йил бошига нисбатан **3 304,0 млрд.сўмга** ошиши кутилмоқда.

“Ўзбекистон МЭТ” АЖнинг “Худудий ЭТК” АЖ олдидаги дебитор қарздорлиги 2021 йил 1 январь ҳолатига **4 323,1 млрд.сўмни** ташкил этган. 2022 йил 1 январь ҳолатига **5 064,3 млрд.сўмни** ташкил этиб, йил бошига нисбатан **741,2 млрд.сўмга** ошиши кутилмоқда.

млрд.сўм

№	Кўрсаткичлар	Шу жумладан				
		01.01.2021	01.04.2021	01.07.2021	01.10.2021	01.01.2022
1.	<b>Дебиторлик қарздорлик жами,</b> <i>шу жумладан:</i>	4 323,09	4 973,70	4 845,42	5 053,01	5 064,3
	<i>муддати ўтган қарздорлик,</i> <i>шундан</i>					
	<i>умидсиз қарздорликлар</i>					
2.	<b>Кредиторлик қарздорлик жами,</b> шу жумладан:	4 000,97	4 694,63	4 930,01	5 859,00	7 304,9
	<i>муддати ўтган қарздорлик</i>					

## 12. САРФ ҲАРАЖАТЛАРНИ ҚИСҚАРТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги «Саноат соҳасида ишлаб чиқариш сарф-харажатларини қисқартириш, шунингдек жисмонан эскирган ва фойдаланиш муддатини ўтаб бўлган асбоб-ускуналарни янгилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ 2692-сонли қарорига асосан, “Ўзбекистон МЭТ” АЖ бўйича, 2021 йилда **11,0 млрд.сўмлик** ишлаб чиқариш сарф-харажатларини қисқартириш бўйича прогноз режа тузилиб, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. 2021 йил якунида “Ўзбекистон МЭТ” АЖ томонидан сарф-харажатларни қисқартириш кўрсаткичлари прогноз режага нисбатан **11,1 млрд.сўмга** ёки **100,9** фоизга бажарилиши кутилмоқда.

2022 йилда ушбу чора-тадбирларни амалга ошириб, жами **2,96 млрд.сўм** сарф-харажатларни қисқартириш режалаштирилмоқда.



**Сарф-харажатларни қисқартириш режаси (млн.сўм)**

№	Чораклар	Умумий	Шу жумладан					
			Ишлаб чиқариш харажатлари			Давр харажатлари		
			Жами	шундан:		Жами	шундан:	
				Технологик ва бошқа йўқотишларни камайтириш ҳисобига	Эксплуатация ва бошқа ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ҳисобига		Бошқарув аппаратини сақлаш харажатларни қисқартириш ҳисобига	Бошқа харажатларни қисқартириш ҳисобига
x	A	I	2	3	4	5	6	7
1	2021 йилда кутиляётган	1,4%	0,5%	0,4%	0,1%	0,9%	0,6%	0,3%
		<b>11 102,0</b>	<b>3 782,9</b>	<b>3 172,1</b>	<b>610,8</b>	<b>7 319,1</b>	<b>5 076,3</b>	<b>2 242,8</b>
2	2022 йил Прогноз	0,4%	0,4%	0,4%		0,0%		
		<b>2 964,8</b>	<b>2 964,8</b>	<b>2 964,8</b>		<b>0,0</b>		
-	I чорак	0,1%	0,1%	0,1%		0,0%		
		<b>741,2</b>	<b>741,2</b>	<b>741,2</b>		<b>0,0</b>		
-	II чорак	0,1%	0,1%	0,1%		0,0%		
		<b>741,2</b>	<b>741,2</b>	<b>741,2</b>		<b>0,0</b>		
-	III чорак	0,1%	0,1%	0,1%		0,0%		
		<b>741,2</b>	<b>741,2</b>	<b>741,2</b>		<b>0,0</b>		
-	IV чорак	0,1%	0,1%	0,1%		0,0%		
		<b>741,2</b>	<b>741,2</b>	<b>741,2</b>		<b>0,0</b>		

**Изоҳ:** Харажатлар технологик ва бошқа йўқотишлар, электр энергияси сотиб олиш ҳамда солиқ ва тўловлар ҳисобга олинмаган ҳолда ишлаб чиқилган.



### 13. СОФ ФОЙДА ТАҚСИМОТИ

#### Жамиятнинг молиявий фаолияти бўйича соф фойдани тақсимлаш (млрд.сўм)

2020 йил якуни бўйича “Ўзбекистон МЭТ” АЖ томонидан **5 390 390,0 минг сўм** соф фойда олинган бўлиб, қуйидагича тақсимланиши таклиф этилди. Жумладан:

- **269 519,5 минг сўм (5 фоиз)** захира фондига;

- **4 042 792,5 минг сўм (75,0 фоиз)** оддий акциялар бўйича дивиденд тўловига (бир дона оддий акцияга 78 сўм ҳисобидан). Жумладан ушбу дивидентнинг **3 773 273,0 минг сўм** Ягона акциядор ҳисобига, қолган **269 519,5 минг сўм (соф фойданинг 5 фоизи)** миқдорида Энергетика вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармасига йўналтирилди;

- **539 039,0 минг сўм (10,0 фоиз)** Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармасига;

- **539 039,0 минг сўм (10,0 фоиз)** Ишлаб чиқариш эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда жамиятни ривожлантириш учун йўналтирилди.

2021-2022 йилларда жамият молиявий фаолиятининг зарар билан яқунланиши режалаштирилганлиги сабабли соф фойда тақсимоти режаси ишлаб чиқилмади.

№	Йўналишлар	2020 йил якуни	2021 йил (кутилади)	2022 йил (прогноз)
<b>Соф фойда/ -зарар</b>		<b>5,39</b>	<b>-2 415,7</b>	<b>-3 991,4</b>
1.	Дивиденд учун жами, <i>шу жумладан</i>	4,04	-	-
	имтиёзли акцияларга	-	-	-
	оддий акцияларга, <i>шундан:</i>	4,04	-	-
	давлат улушига	-	-	-
2.	Инновацион ривожлантириш фондига	0,27	-	-
3.	Захира фондига	0,54	-	-
4.	Корхонани ривожлантириш учун	0,54	-	-
5.	Бошқа мақсадларга	-	-	-

### 14. САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги УП-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий усуллари жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилдаги 207-сонли “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юртувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори ва Низомига асосан “Ўзбекистон МЭТ” АЖ фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари бўйича ҳисоботлар ҳар чоракда Жамият кузатув кенгаши ижроия органлари томонидан тингланади ва амалга оширилган ишлар бўйича тегишли маълумот ва ҳисоботлар Давлат активлари сайтыга жойлаштириб борилади.





### Самардорлик кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари

#### 2022 йил учун самардорликнинг асосий ва қўшимча муҳим кўрсаткичлари

№	АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР	Солиштирма нисбат	I чорак		II чорак		III чорак		IV чорак	
			Мақсадли кўрсаткич	Режа	Мақсадли кўрсаткич	Режа	Мақсадли кўрсаткич	Режа	Мақсадли кўрсаткич	Режа
1	Товар маҳсулот ҳажми (фоизда)		5	100%	5	100%	5	100%	5	100%
2	Соф фойданинг режага нисбатан бажарилиши		10	100%	10	100%	10	100%	10	100%
3	Таннархни камайтириш топшириққа нисбатан		10	100%	10	100%	10	100%	10	100%
4	Тўлов қобилияти коэффиценти	>1,25	10	1,25	10	1,25	10	1,25	10	1,25
5	Молиявий мустақиллик коэффиценти	>1	15	1,00	15	1,00	15	1,00	15	1,00
6	Инвестицион лойиҳаларни бажарилиши		20	100%	20	100%	20	100%	20	100%
7	Экспорт параметрларини бажарилиши		15	100%	15	100%	15	100%	15	100%
8	Дивиденд ҳисоби		15	100%	15	100%	15	100%	15	100%
<b>Жами:</b>			<b>100</b>		<b>100</b>		<b>100</b>		<b>100</b>	

№	ҚЎШИМЧА КЎРСАТКИЧЛАР	Солиштирма нисбат	I чорак		II чорак		III чорак		IV чорак	
			Мақсадли кўрсаткич	Режа	Мақсадли кўрсаткич	Режа	Мақсадли кўрсаткич	Режа	Мақсадли кўрсаткич	Режа
1	Ликвидлик коэффиценти	>0,2	10	0,2	10	0,2	10	0,2	10	0,2
2	Кредитор қарздорлик айланиши		5	90	5	90	5	90	5	90
3	Дебитор қарздорлик айланиши		5	90	5	90	5	90	5	90
4	Асосий воситалар эскириши	>0,5	15	0,5	15	0,5	15	0,5	15	0,5
5	Асосий воситалар янгиланиш коэффиценти	>0,2	15	0,2	15	0,2	15	0,2	15	0,2
6	Меҳнат унумдорлиги		20	1 900	20	1 900	20	1 900	20	1 900
7	Янги иш ўринлари		15	100%	15	100%	15	100%	15	100%
8	Кадрлар қўнимсизлиги коэффиценти	>1	15	1,0	15	1,0	15	1,0	15	1,0
<b>Жами:</b>			<b>100</b>		<b>100</b>		<b>100</b>		<b>100</b>	



## 15. ХОДИМЛАР СИЁСАТИ

Жамият фаолиятининг асосий мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган кадрлар сиёсати тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилган бўлиб, у Жамиятни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш учун инсон ресурсларини (ходимларини) бошқариш ва улардан самарали фойдаланиш, бозорнинг ўзгарувчан талабларига ўз вақтида жавоб бера оладиган малакали ва юқори самарали жамоа яратиш тизимини белгилайди.

Жамиятда энергетика тизими учун малакали кадрлар тайёрлаш, ходимлар малакасини ошириш бўйича устивор вазифа ва талабларга мувофиқ аниқ мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Турли ўқув марказларида ходимлар малакаси мунтазам равишда ошириб борилади. Ҳар йили олий ўқув юртларида энергия тизими учун энергетика мутахассисликлари бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланади.

Энергетика соҳаси учун ёш, истиқболли кадрларни тайёрлаш мақсадида Жамият ўз ходимларини ўқитиш ва таълим олишлари учун маблағлар ажратмоқда. Кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида ёш истиқболли мутахассислар раҳбарлик лавозимларига ўтказилмоқда.

Бугунги кунда “Ўзбекистон МЭТ” АЖ тизимидаги филиал ва таркибий бўлинмаларида **5,1 мингдан** зиёд ходимлар фаолият юритмоқда. Уларнинг **33,2 фоизини** олий маълумотли ходимлар, **66,7 фоизини** ўрта ва ўрта махсус маълумотли ходимлар ташкил этади. Шунингдек, жамиятда 2 нафар (PhD) илмий унвони бор ходимлар фаолият юритмоқда.

Шундан:

- раҳбарлар **436 нафар** ёки **8,4 фоиз**;
- мутахассислар **1062 нафар** ёки **20,6 фоиз**;
- техник ходимлар **278 нафар** ёки **5,4 фоиз**;
- хизмат кўрсатувчи ходимлар **1219 нафар** ёки **23,6 фоиз**;
- ишлаб чиқариш ходимлари **2170 нафар** ёки **42 фоиз**.

Бошқарувчи ходимларнинг ўртача ёши **44 ёш**. Кадрлар қўнимсизлиги 2021 йил мобайнида **10 фоизни** ташкил қилди.

Электр энергетикаси соҳаси учун **10 та** маҳаллий олий таълим муассасалари, **4 та** хорижий олий таълим муассасаларининг филиаллари, шунингдек **9 та** ўрта махсус касб-ҳунар муассасалари кадрлар тайёрлаб бермоқда. Жамиятда жорий йилда **199 нафар** ходимнинг малакаси оширилди. Шундан **21,1 фоизи** раҳбар ходимлар, **78,9 фоизи** мутахассис ходимлар ҳиссасига тўғри келади. Россия ва бошқа чет эл мамлакатларида **40 нафар** раҳбар-ходимлар малакасини оширди **28 нафари** уларнинг ишларини ўрганиб (стажировка) қайтди. Шунингдек, Жамият маблағлари ҳисобидан тўлов-контракти асосида **53 нафар** ходимлар Республика олий таълим муассасаларида махсус сиртқи таълим йўналиши бўйича таҳсил олмоқда. Бундан ташқари ички имкониятлардан келиб чиқиб, жамият филиалларида **1597 нафар** ходим учун малака ошириш ўқув курслари ташкил этилди.

Энергетика вазирлиги мутасаддилигида электр энергетика соҳаси бўйича олий маълумотли мутахассисларни тайёрлашга мўлжалланган иккита хорижий олий таълим муассасаларининг Тошкент шаҳридаги филиаллари ҳамда ўрта-махсус маълумотли мутахассисларни тайёрлашга мўлжалланган учта касб-ҳунар коллежи мавжуд. “ММФИ” Миллий тадқиқот ядро университети” Федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг



Тошкент шаҳар филиали, “МЭИ” Миллий тадқиқот университети” Федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг Тошкент шаҳар филиали ҳамда Ширин, Қибрай, Нишон ва Тахиатош энергетика коллежлари фаолият юритмоқда.

Шу билан бирга жамиятнинг раҳбар-ходимларига илмий фаолиятга жалб этиб, уларнинг самарали илмий фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилиб берилмоқда. Ҳозирги кунда жамиятда **2 нафар (PhD)** бўлган ходимлар фаолият юритмоқда.

Жамият ходимларини танлаш ва ишга қабул қилиш «Ўзбекистон МЭТ» АЖ да мутахассис-ходимларни танлаш тўғрисидаги Низомга асосан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби ҳамда JDS дастури доирасида Япония халқаро агентлиги орқали Япония давлатининг магистратурасига номзодлар ҳужжатлари юборилди. Шунингдек жамиятда раҳбар ходимлар илмий фаолиятга жалб этилиб, уларнинг самарали илмий фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

2022 йилда Жамият маблағлари ҳисобидан тўлов-контракти асосида **67 нафар** ходим Республика олий таълим муассасаларида махсус сиртқи таълим йўналиши бўйича таҳсил олади.

## **16. ТИЗИМ ХОДИМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ БЎЙИЧА ЧОРАЛАР**

Энергетика тизимида ходимларнинг соғлом турмуш тарзи бўйича ҳаётий кўникмаларини шакллантириш, тўғри овқатланиш тамойилларига амал қилиш, тиклаш ва реабилитация ишлари, уларнинг саломатлиги ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш бўйича жамиятимизда ижтимоий соҳага катта эътибор қаратилади. Жамият таркибида **6 та** ижтимоий соҳа объектлари, **2 та** тиббий санитария қисми, дам олиш маскани, санатория, соғломлаштириш мазкази, спорт комплекси ва дам олиш зоналари мавжуд. Ҳар йили ўртача **4 минг** нафар жамиятимиз ходимлари ва уларнинг оила аъзоларига сифатли хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Ижтимоий соҳа объектлари кенг қамровдаги тиббий хизматларини тақдим этади. Ходимларга малакали терапевт, невропатолог, дерматолог, эндокринолог, гинеколог, уролог, лор, окулист, жарроҳ, стоматолог, УЗИ, рентген, қон таҳлили ва физиотерапия муолажалари бўйича тиббий қисмлар, умуртқа поғонаси касалликлари бўйича соғломлаштириш маркази, республикада ягона бўлган сераводородли минерал сувли ванналар билан юрак қон-томир системаси, ҳаракат- таянч органлари ва асаб касалликлари бўйича санаторий олий даражадаги тиббий хизматларни кўрсатилиб келмоқда. Шунингдек, дам олиш масканлари ходимларимизга ёзги ва қишки теннис кортларини, волейбол, баскетбол ва футбол майдонларини тақдим этади.

Жамият томонидан 2022 йил учун ишлаб чиқилган чора-тадбирларга кўра энергетика тизимидаги **4 566 киши** ва уларнинг оила-аъзоларига соғломлаштириш дам олиш масканлари ва болалар лагерлари ташкил этилган. Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун ўртача **36.869,9 млн.сўм** маблағ сарфланиши кўзда тутилган.